



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЮК ВА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ
ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ**

“Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 ноябрдаги 948-сон “Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 3 июлдаги 112-сон “Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига (2015 йил 30 июлда 2703-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 30-сон, 404-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Инспекция бошлиғи

Д. Ахмедов

М.Ў.

Тошкент ш.,
2018 йил _____,
_____ -сон

“Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Буйруқ муқаддимасидаги “2004 йил 2 мартдаги 101-сон “Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги” сўзлари “2017 йил 28 ноябрдаги 948-сон “Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) Низом муқаддимасидаги “2004 йил 2 мартдаги 101-сон “Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги” сўзлари “2017 йил 28 ноябрдаги 948-сон “Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг иккинчи хатбоши “..., поезд ҳаракатланаётган пайтда ҳаракатдаги таркиб техник ҳолатини автоматик назорат қилиш воситалари: кўпфункционали техник воситалар мажмуи (КТВМ), мажмуавий назорат тизими (ДИСК-Б), қизиб кетган буксаларни аниқлаш аппаратураси (ПОНАБ) ёрдамида аниқланган буксалар қизиб кетишининг тасдиқланмаган ҳолатлари бундан мустасно” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 7-банд:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси деб юритилади) томонидан поездлар ҳалокати ва авария ҳолатлари тўғрисида маълумот олинганда, умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва (ёки) идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларига мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ёки бошқа мулк ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи (бундан буён матнда темир йўлга эгалик қилувчи деб юритилади) томонидан ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари ҳақида (поездлар ҳалокати ва авария ҳолатларидан ташқари) маълумот олинганда 5 соатдан кечиктирмасдан хизмат текширувини ўтказиш комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) тузилади. Бунда, темир йўл ташишлари хавфсизлиги бузилишларига йўл қўйилган ҳолат бўйича темир йўлга эгалик қилувчи корхона раҳбари хавфсизлик бузилишлари содир бўлганидан 3 соатдан кечиктирмасдан

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясига, турли алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, тезкор маълумот беради»;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Поездлар ҳалокати ва авария ҳолатлари юзасидан ўтказиладиган хизмат текшируви бўйича комиссияга «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси бошлиғи раҳбарлик қилади”;

г) 12-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи гап билан тўлдирилсин:

“Кўрсатиб ўтилган хизмат текшируви натижаларига кўра расмийлаштирилган далолатномалар темир йўл ташишлари хавфсизлиги бузилишлари содир бўлганидан 48 соатдан кечиктирмасдан «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясига тақдим қилиниши лозим”;

д) 17-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Темир йўл ташишлари хавфсизлиги бузилишлари содир бўлганидан бир ой ўтиб, «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясига ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бажарилиши юзасидан темир йўлга эгалик қилувчи томонидан ҳисобот тақдим қилинади”.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан келишилган.

Ички ишлар вазири

П. Бобожонов

2018 йил _____

М.Ў.

Фавқулодда вазиятлар вазири

Р. Джураев

2018 йил _____

М.Ў.

Савдо-саноат палатаси раиси

А. Икромов

2018 йил _____

М.Ў.

**«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқаруви
раисининг биринчи ўринбосари**

А. Шукуров

2018 йил _____

М.Ў.